Ўзбекистон Республикаси Қашкадарё вилояти
МАЪСУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
«ZAMIN OIL-AUDIT» АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ
Юридик манзили: 180100 Қашкадарё вилояти, Қарши шахри, Шибаев кучаси, 1-уй 15-хонадон, тел.(+99893) 935-07-65, 422 -41 -58.
Аудитолик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 05.04.2019 й.даги № 00774 рақамли лицензига эга.
Zaminoil-audit@mail.ru Банк: УзСКБ Карши ш. МФО 00894 Х/Р 20208000904162711001 СТИР 203869896 ОКЭД 69202

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Хулоса санаси: 03.08.2020 йил

"KOSON YOG-EKSTRAKSIYA" акциядорлик жамияти
раҳбариятига

Манзил: "Koson yog- ekstraksiya" АЖ Х/р 20210000000384029001 АК "Алокабанк"нинг Қашкадарё филиали Қарши шахри МФО 00990 СТИР: 200690364 ОКЭД 10410 Қашкадарё вилояти, Косон шахри Бухоро йўли кучаси 1 -уй тел.№ (+998)75-592-19-15

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Манзили: 100180. Қарши шахри Шибаев кўчаси 1- уй 15-хонадон УзСҚБ Қашкадарё минтакавий филиали Қарши шахри. х/р 20208000 904162711001, МФО 00854, ИНН 203869896, ОКЭД 69202, тел (99893) 935-07-65 email: Zaminoil-audit@mail.ru Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хукуки билан 05.04.2019 йилда берилган АФ № 00774-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 05.09.2013 йилда № 64 –реестр билан рўйхатга олинган гувохнома) аудитори Зулфикоров Х. Н. томонидан (*Аудитор малака сертификати № 05543 берилган санаси 22.12.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект: **"KOSON YOG-EKSTRAKSIYA" акциядорлик жамияти** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботларнинг "Бухгалтерия баланси Ф-1, Молиявий натижалар Ф-2, Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот Ф-4, Хусусий капитал тўғрисидаги хисобот Ф-5 шаклларидан иборат 2019 йил 1-январидан - 2019 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби ғўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофик молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"KOSON YOG-EKSTRAKSIYA" акциядорлик жамияти** илова килинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошка молиявий ахборотлар барча мухимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиклиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофик ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча ижобий фикр билдириш учун асос бўладиган **"KOSON YOG-EKSTRAKSIYA" акциядорлик жамиятининг** 2019 йил 31 декабрь холатидаги молиявий ҳисоботи барча мухимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий холатини ҳаққоний акс эттиради.

МЧЖ «ZAMIN OIL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор **Х. Н. Зулфикоров**